

GEOMOTIVE

EVOS, GEOMOTIVE ва METER билан ташқи рекламадаги туб бурилиш

Кучайиб бораётган рақобат шароитида муваффақиятли маркетинг нафақат ёрқин ғояларга, балки аудитория билан пўхта ўйланган мулоқотни яратиш маҳоратига ҳам асосланади. Бугунги истеъмолчилар бренд билан осонгина алоқага киришишга тайёр эмаслар, улар эсда қоладиган ўзаро муносабат ва янги тажрибага эга бўлишни хоҳлайдилар. Бу кейс замонавий технологиялар ёрдамида стандарт реклама форматларини фаол ва ёдда қоладиган саёҳатга айлантириш мумкинлигини кўрсатади.

Муаммо

Субъектив баҳоларга асосланган режалаштириш, чекланган таргетинг ва самарадорликни баҳолаш мураккаблиги реклама берувчилар учун тарғибот канали сифатидаги ташқи рекламанинг жозибадорлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Ечим

Ташқи реклама соҳасидаги илғор технологиялар ва ечимларни классик «outdoor» реклама жойлаштириш билан интеграция қилиш. METER маълумотлари асосида аудиториянинг ҳаракатланиши ва хусусиятларини баҳолаш, GEOMOTIVE орқали реал вақт режимида шаффоф таҳлил ва Ўзбекистон шаҳарларида танлаган экранларингизда рекламани сиз истаган шаклда ишга тушириш.

Мисол: «EVOS томонидан совринларни ютиб олиш» кейси


Бренднинг вазифаси — динамик креатив шаклидаги ҳисоблагич билан промо-акциянинг биринчи босқичини ўтказиш, аудиторияни максимал қамраб олиш ва «вау-эффект» яратиш.

GEOMOTIVE ва METER кучларини бирлаштириб, реал вақтда таймер билан ҳисоблашни ўз ичига олган мураккаб таргетли тадбирни амалга оширди:



- **Динамик реклама:** экранларда акция бошлангунигача бўлган вақтни ҳисобловчи таймер намоиш этилди, бу эса кутиш ҳиссини пайдо қилиб, диққатни жалб этди.
- **Таргетинг:** METER ёрдамида аудиториянинг демографик хусусиятлари ва мобиллиги ҳақидаги маълумотларга асосланган ҳолда энг мос жойлаштириш нуқталари танланди.
- **Каналлар интеграцияси:** ташқи реклама билан бирга реклама тадбири таксилардаги экранларда ҳам кўрсатилди, бу эса реклама хабарларининг синхронлашуви ва максимал қамровни таъминлади.

Реклама тадбирининг бу босқичи бутун Ўзбекистонни қамраб олди. EVOS бренди мослаштирилган ҳисоблагич йирик шаҳарлардаги LED экранларда



жойлаштирилди, натижада максимал аудиторияни қамраб олиш, диққатни жалб этиш ва бренд истеъмолчиларининг ижтимоий тармоқларда фаоллигини ошириш имконини берди. Тошкентда таксиларнинг ташқи экранда ҳам реклама намоиш этилди, бу эса реклама тадбирини эсда қоладиган қилди ва қутилган «вау-эффект»ни мустаҳкамлади.

Контентни бошқариш платформаси – GEOMOTIVE CMS плеери ҳамма экранларда марказлаштирилган контент бошқарувини таъминлади, жумладан, тирбандлик ёки об-ҳаво шароитлари омиллари ҳисобга олган ҳолда креативларнинг реал вақтда янгилашини ҳам.

Натижалар

- **Қамров:** реклама мўлжалдаги аудиториянинг 63%и учун 10 мартагача намоиш этилди.
- **Сотувлар ҳажми ошиши:** 85 000 сўмдан юқори чек билан буюртмалар ҳажми аввалги энг юқори ойлик кўрсаткичга нисбатан 362% га ошди.
- **Жалб этилиш:** 3,3 миллиондан ортиқ киши скретч-карталарни рўйхатдан ўтказиб, акцияда иштирок этди.

Бундай кейс инновациялар ва технологиялар ташқи рекламани янги босқичга олиб чиқиб, уни аудитория учун янада жозибадор ва самарали қилишини намоён этди.

